

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил март ойининг 7 куни жиноят ишлари буйича Самарқанд шаҳар суди, очик сайёр суд мажлиси Самарқанд шаҳри Орзў м.ф.й. биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Ж.Ибрагимов, судья ёрдамчиси Ҳ.Абдубоқиевнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд шаҳар прокурорининг ёрдамчиси А.Мустафакулов, судланувчи Б.Мусаев ва унинг ҳимоячиси адвокат М.Каршиев ҳамда фуқаровий даъвогар А.Рўзимуродовларнинг иштирокида, судланувчи Мусаев Бегзоджон Хакимовичга нисбатан №1-1401-2503/163-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

**Мусаев Бегзоджон Хакимович** (Musaev Begzodjon Hakimovich), 1981 йил 8 август куни Самарқанд вилояти, Каттакўрғон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, 2 нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, Самарқанд шаҳридаги “Diliman Travel Gold Servis” МЧЖ раҳбари, муқаддам судланмаган, Каттакўрғон шаҳар, Новки МФЙ, Улуғбек Барноев кўчаси, 47-уйда истиқомат қилувчи, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 06.02.2025 йил олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “б,д” бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг кўрсатувлари, тарафларнинг музокара нутқлари, судланувчининг ҳимоя ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Б.Мусаев Самарқанд шаҳридан рўйхатдан ўтган, “Diliman Travel Gold Servis” МЧЖни бошқариб, “Samarqandshahargaz” газ таъминоти бўлимининг руҳсатисиз, шартнома тузмасдан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 31.05.2024 йилдаги 319-сонли Қарори билан тасдиқланган “Табиий газдан фойдаланиш қоидалари”нинг 129-банди талабларига зид равишда, Самарқанд шаҳар, “Ургутий” МФЙ, Регистон кўчаси, 3б-уйда жойлашган “Шердор”номли меҳмонхонада елим қувир орқали ҳар бирининг газ сарфи 2,6 м<sup>3</sup> бўлган 5 дона миллий қозонда қўлбола горелкалар, ҳар бирининг газ сарфи 2,73м<sup>3</sup> бўлган 2 дона икки табақали иситиш қозони, газ сарфи 2,4 м<sup>3</sup> бўлган 1 дона титан ясама горелкаси, газ сарфи 2,6 м<sup>3</sup> бўлган 1 дона иситиш печи, газ сарфи 1,12 м<sup>3</sup> бўлган 1 дона ПГ-4х газ жихози, умумий газ сарфи 11,45 м<sup>3</sup> бўлган жихозларини умумий фойдаланишдаги табиий газ тармоғига тижорат мақсадида ўзбошимчалик билан улаб, ундан ўғрилиқ йўли билан яширин равишда фойдаланиб келиб,



ўзганинг яъни “Samarqandshahargaz” газ таъминоти бўлимнинг мулки бўлган 43.787.700 сўмлик табиий газини талон-торож қилган.

Судланувчи Б.Мусаев суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2024 йил 1 март кунидан “Diliman Travel Gold Servis” МЧЖга қаршли Самарқанд шаҳри, “Ургути” МФЙ, Регистон кўчаси, 3Б-уйда жойлашган “SHERDOR” меҳмонхонасида иш бошқарувчиси вазифасида ишлаб келишини, 2024 йил 18 ноябрь куни “Самарқандшаҳаргаз” газ таъминоти бўлими ходимлари А.Пулатов, Ш.Ахтамов, ва Ж.Джабборовлар келиб Самарқанд шаҳри, “Ургути” МФЙ, Регистон кўчаси, 3Б-уйда жойлашган меҳмонхонани газдан фойдаланиш аҳволини ўрганиб чиқишганларида, яширин равишда табиий газ тармоғига ўзбошимчалик билан уланиб, резин шланг орқали уланиб, ҳар бирининг газ сарфи 2,6 м<sup>3</sup> бўлган 5 дона миллий қозонга ишлатиладиган қўлбола горелкалар, ҳар бирининг газ сарфи 2,73м<sup>3</sup> бўлган 2 дона икки табақали иситиш қозони, газ сарфи 2,4м<sup>3</sup> бўлган 1 дона титан ясама горелкаси, газ сарфи 2,6м<sup>3</sup> бўлган 1 дона иситиш печи, газ сарфи 1,12м<sup>3</sup> бўлган 1 дона ПГ-4х газ жихози, умумий газ сарфи 11,45м<sup>3</sup> бўлган ускуналар орқали фойдаланиб келганлигини аниқлаб шу заҳоти 00066-сонли табиий газдан-фойдаланиш қоидалари бузилганлиги ҳақида далолатнома расмийлаштиришгани, далолатнома билан танишиб чиқиб имзо қўйгани, “Самарқандшаҳаргаз” газ таъминоти бўлими томонидан ушбу ускуналарнинг газ истеъмолидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги 319-сонли қарори талабларига асосан 196 кун муддатга 210.597.400 сўм зарар ҳисобланган, ушбу зарар жуда кўп ва ҳақиқий ишлатган зарарим эмас, ушбу зарар ортиқча ҳисобланган, мен меҳмонхонада газ сарфи 2,6 м<sup>3</sup> бўлган 5 дона миллий қозонга ишлатиладиган қўлбола горелкалар, газ сарфи 2,4м<sup>3</sup> бўлган 1 дона титан ясама горелкаси, газ сарфи 1,12м<sup>3</sup> бўлган 1 дона ПГ-4х газ жихозларини фақат овқат тайёрлашга ишлатгани, тахминан 8 соат ишлатишига мўлжалланган, ҳар бирининг газ сарфи 2,73м<sup>3</sup> бўлган 2 дона икки табақали иситиш қозони ва газ сарфи 2,6м<sup>3</sup> бўлган 1 дона иситиш печлари борлигини, уларни қишки мавсумда 24 соат ишлатиб келишини, “Самарқандшаҳаргаз” филиали ходимлари томонидан эса барча ускуналар бир хил 24 соатга қайта ҳисоб-китоб қилингани, газ жихозларини ўрнатиб ишлатиб келганлигини тан олишини, аммо ҳисобланаган 210.597.400 сўм зарар ҳақиқий эмаслигини, шу сабабли қайта ҳисоб-китоб қилиниб, иш соати амалдаги тариф тўловлари буйича қонуний ва адолатли куриб чиқилиб, 43.787.700 сўмлик табиий газ ҳисоблаб берилгани, етказилган моддий зарарни ихтиёрий равишда қоплаганлиги, айбига тўлиқ иқрорлиги, чин кўнгилдан пушаймонлиги, қилмишининг оқибатларини тушуниб етганлиги ҳақида баён қилиб, суддан енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Гарчанд судланувчи Б.Мусаев ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдирган бўлсада, унинг айби қуйидаги объектив далиллар билан ўз исботини топган.

Жумладан, фуқаровий даъвогар А.Рўзимуродов суд мажлисида, Самарқанд шаҳридан рўйхатдан ўтган “Diliman Travel Gold Servis” МЧЖ иш бошқарувчиси Мусаев Бегзоджон Хакимович “Samarqandshahargaz” газ



таъминоти бўлимнинг рухсатисиз, шартнома тузмасдан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 31.05.2024 йилдаги “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 319-сонли Қарорининг 129-банди талабларига зид равишда, Самарқанд шаҳар, “Ургутий” МФЙ, Регистон кўчаси, 3б-уйда жойлашган “Шердор”номли меҳмонхонада елим кувир орқали ҳар бирининг газ сарфи 2,6 м<sup>3</sup> бўлган 5 дона миллий қозонда қўлбола горелкалар, ҳар бирининг газ сарфи 2,73м<sup>3</sup> бўлган 2 дона икки табақали иситиш қозони, газ сарфи 2,4 м<sup>3</sup> бўлган 1 дона титан ясама горелкаси, газ сарфи 2,6 м<sup>3</sup> бўлган 1 дона иситиш печи, газ сарфи 1,12 м<sup>3</sup> бўлган 1 дона ПГ-4х газ жихози, умумий газ сарфи 11,45 м<sup>3</sup> бўлган жихозларини умумий фойдаланишдаги табиий газ тармоғига тижорат мақсадида ўзбошимчалик билан улаб, ундан ўғрилиқ йўли билан яширин равишда фойдаланиб келиб, ўзганинг яъни “Samarqandshahargaz” газ таъминоти бўлимнинг мулки бўлган 43.787.700 сўм миқдорда зарар етказганлиги аниқлангани, ҳозирги кунда Б.Мусаев томонидан “Худудгаз Самарқанд” Самарқанд таъминоти бўлимига етказилган зарар тўлиқ бартараф этилгани, шу сабабли Б.Мусаевга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида баён қилиб, суддан унга нисбатан енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Юқоридагилардан ташқари, судланувчи Б.Мусаевнинг айби, билдирги, “Самарқандшаҳаргаз” газ таъминоти бўлимнинг 18.11.2024 йилдаги 00066-сонли далолатномаси, ҳодиса жойини кўздан кечириш баёномаси, фотожадвали, “Ўзэнергоинспекция” Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасининг 11.12.2024 йилдаги 14-4237-сонли хулосаси, зарар миқдорини ҳسوبлаш маълумотномаси, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда дастлабки тергов давомида тўпланган бошқа далиллар билан ҳам тўлиқ ўз тасдиғини топади.

Суд, дастлабки тергов органлари томонидан судланувчи Б.Мусаевнинг “умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр энергиясини, табиий газни, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташиқаридан аралаштириш йўли билан анча миқдорда ўғрилиқ қилиш”да ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “б,д” бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Б.Мусаевга жазо тайинлашда судланувчининг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, келтирилган зарар тўлиқ қопланганлиги ва фуқаровий даъвогарнинг даъвоси йўқлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ниятларда содир этганини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазосини оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолайди.

Шу билан бирга суд, судланувчи Б.Мусаевга жазо тури ва меъёрини белгилашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди



Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик принципларига ҳамда 2023 йил 30 апрель куни қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-хатбошисида мустаҳкамлаб қўйилган “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деб кўрсатилган юқори эътирофли кўрсатмаларга риоя қилиб, судланувчи Б.Мусаевнинг содир қилган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини, шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омилларни, оилавий шароитини, қарамоғида 2 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатларни, муқаддам судланмаганлиги, қилмишининг оқибатларини англаб етганлигини, етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, фуқаровий даъвогарнинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳуқуқий баҳолаб, бу ҳолатлар у содир этган жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш имконияти мавжудлигини эътироф этиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган жарима жазо турини тайинлашни;

Б.Мусаевга нисбатан қўлланилган “тилхат” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни лозим топади.

Бундан ташқари суд, Самарқанд вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига топширилган 43.788.000 сўм пул маблағини “Самарқандшаҳаргаз” таъминоти бўлими ҳисоб рақамига ўтказишни;

етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги ва фуқаровий даъвогарнинг даъвоси йўқлигини қайд этишни лозим топади.

Шунингдек, суд ёзма ашёвий дали деб топилган “Самарқандшаҳаргаз” газ таъминоти бўлимининг 18.11.2024 йилдаги 00066-сонли далолатномаси, ҳодиса жойини кўздан кечириш баёномаси, фотожадвали, “Ўзэнергоинспекция” Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасининг 11.12.2024 йилдаги 14-4237-сонли хулосаси, фотосуратлар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлаш учун қолдиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига амал қилиб, суд:

### **Ҳ У К М Қ И Л А Д И:**

Судланувчи **Мусаев Бегзоджон Хақимович** (Musaev Begzodjon Hakimovich), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “б,д” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.



Унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “б,д” бандлари билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 (ўттиз) баравари, яъни 11.250.000 (ўн бир миллион икки юз элик минг) сўм миқдорида жарима жазоси тайинлансин ва давлат даромадига ундирилсин.

Судланувчи Б.Мусаевга нисбатан қўлланилган “тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Самарқанд вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига топширилган 43.788.000 сўм пуллар “Самарқандшаҳаргаз” газ таъминоти бўлими ҳисоб рақамига ўтказилсин.

Ўтказилган зарар тўлиқ қопланганлиги ва фуқаровий даъвогарнинг даъвоси йўқлиги қайд этилсин.

Ёзма ашёвий далил деб эътироф этилган “Самарқандшаҳаргаз” газ таъминоти бўлимининг 18.11.2024 йилдаги 00066-сонли далолатномаси, ходиса жойини кўздан кечириш баёномаси, фотожадвали, “Ўзэнергоинспекция” Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасининг 11.12.2024 йилдаги 14-4237-сонли хулосаси, фотосуратлар ва гувоҳларнинг кўрсатувлари жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Фуқаровий даъвогар вакили А.Рўзимуродовга судланувчи Б.Мусаевга нисбатан бошқа зарарлар бўйича даъвоси бўлган тақдирда тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда ҳудудийлик бўйича фуқаролик тартибида судга даъво қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва фуқаровий даъвогар вакили ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдириши мумкин.

**Раислик қилувчи судья**

**Ж.Ибрагимов**

